

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИМКОНИАТЛАРИ

(Тошкент вилояти мисолида)

*Шадманова Мадинахон Омонулла қизи*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти*

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида хорижий инвестицияларни жалб этиш мамлакатлар иқтисодий тараққиётини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Айниқса, капитал, замонавий технологиялар ва бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) муҳим институционал механизм сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «хорижий инвестицияларни жалб этиш учун очиқ, адолатли ва барқарор инвестиция муҳитини яратиш давлат сиёсатида устувор вазифа ҳисобланади»<sup>1</sup>. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикасида ЭИЗларни ривожлантириш ва улар орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Эркин иқтисодий зоналар инвесторлар учун солиқ, божхона ва маъмурий имтиёзлар тизими билан ажралиб турадиган махсус ҳудудлар ҳисобланади. Улар орқали инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда харажатларни камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари кенгайди. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ЭИЗлар хорижий капитални жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакат Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан инвестиция муҳитини яхшилаш, инвесторлар ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш ва бизнес юритиш шароитларини соддалаштиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди.

Тошкент вилояти иқтисодий-географик жойлашуви, ривожланган транспорт-логистика инфратузилмаси, меҳнат ресурсларининг юқори салоҳияти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг инвестиция сиёсатига оид чиқишлари. – 2022 йил

билан республикада алоҳида ўрин тутди. Вилоят ҳудудида фаолият юритаётган «Ангрен» ва «Оҳангарон» эркин иқтисодий зоналари саноатни диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президент Ш.М. Мирзиёев 2023 йилда ўтказилган Тошкент халқаро инвестиция форумида мамлакатда инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, тинчлик ва макроиқтисодий барқарорликни алоҳида таъкидлаб, «инвесторлар ҳуқуқлари конун билан ҳимоя қилинади ва давлат ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўлиқ бажаради» дея қайд этган<sup>2</sup>. Ушбу омиллар Тошкент вилояти ЭИЗларининг халқаро инвестиция бозорида жозибадорлигини янада оширмоқда.

Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналар орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнида айрим муаммолар ҳам кузатилмоқда. Жумладан:

- айрим ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- инвесторлар учун ахборот таъминоти ва инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги очиқ маълумотлар базасининг чекланганлиги;
- маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳали ҳам тўлиқ рақамлаштирилмаганлиги.

Ушбу муаммолар инвестиция қарорларини қабул қилиш жараёнини секинлаштириб, ЭИЗлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Эркин иқтисодий зоналар орқали хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- «ягона дарча» тамойили асосида инвесторлар учун барча рухсат бериш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш;
- ҳудудий инвестиция маркетингини кучайтириш ва халқаро инвестиция форумларида Тошкент вилояти ЭИЗларининг салоҳиятини фаол тарғиб қилиш;
- маҳаллий корхоналар билан кооперация алоқаларини ривожлантириш орқали импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш;

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи. – 2023 йил

- ЭИЗлар худудида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни кучайтириш.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида инвесторлар учун «ягона дарча» тизимини янада такомиллаштириш, ҳудудий инвестиция маркетингини кучайтириш ҳамда маҳаллий корхоналар билан кооперация алоқаларини ривожлантириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент вилоятидаги эркин иқтисодий зоналар хорижий инвестицияларни жалб этиш учун катта имкониятларга эга. Уларнинг фаолиятини такомиллаштириш орқали ҳудудий иқтисодий ўсишни таъминлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.